


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ВАЗИРИНИНГ
Б У Й Р У Г И



П Р И К А З
МИНИСТРА ДОШКОЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил " 28 " 11/11

№ 120

" " "

2018 года

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги
ПФ-5447-сонли фармонининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги фармони а мувофиқ

БУЮРАМАН:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд вилоятининг Нуробод, Қўшработ, Ургут, Булуңгур ва Пахтачи туманларида Жиззах вилоятининг Баҳмал, Галлаорол, Фориш, Мирзачул ва Янгиобод туманларида, Сирдарё вилоятининг Оқотғил, Мирзаобод, Ховос ва Сардоба туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2018 йил 24 майдан 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки барабар пасайтирилганлиги инобатга олинсин.

3. Самарқанд (Н. Садинова), Жиззах (Н. Гошбеков) ва Сирдарё (А. Турдибоёв) вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари:

мазкур буйруқнинг 2-бандида келтирилган туманларда жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови 2018 йил 24 майдан эътиборан икки барабар пасайтирилган миқдорда ундирилишини таъминласин:

белгиланган туманларда жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори икки барабар пасайтирилганлиги буйича аҳоли уртасида тушунтириш ишларини утказсин.



юқорида кайд этилган туманларда жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларининг бош турухларининг белгиланган меъёрлар асосида тулдирини оркали болалар камровини ошириш чораларини куруни:

ушбу туманларда ота-оналар тулови микдори пасайтирилиши муносабати билан давлат бюджетидан кушимча талаб этиладиган маблағлар микдорини хисоблаб, тегишли молия органлари билан биргаликда маблағ ажратиш масаласини хал этсин.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари назорат ва тахлил бўлими (Л. Бердиева) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сонли фармони ва ушбу буйрукни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига етказсин.

5. Мазкур буйрукнинг бажарилишини назорат қилиш вазир уринбосари Ш. Маматкулов зиммасига тоқлансин.

Вазир



А. Шин

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
БОШҚАРМАСИ
БОШЛИГИНИНГ
Б У Й Р У Ё И



П Р И К А З
НАЧАЛЬНИКА УПРАВЛЕНИЯ
ДОШКОЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

2018 йил « 30 » 05

№ 113

« ___ » _____ 2018 год

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 24
майдаги ПФ-5447-сонли
фармонининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 28 майдаги 120-буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 28 майдаги 120-буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд вилоятининг Нуробод, Қўшработ, Ургут, Булунғур ва Пахтачи туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2018 йил 24 майдан 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баровар пасайтирилганлигини инобатга олинсин.

3. Нуробод (Д.Амирова), Қўшработ (Ш.Қўшбақов), Ургут (Д.Холмухамедова), Булунғур (У.Гўбаева) ва Пахтачи (Ш.Нодиров) туманлари мактабгача таълим бўлим мудирларига:

Маскур буйруқнинг 2-бандида келтирилган туманларда жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови 2018 йил 24 майдан эътиборан икки баровар пасайтирилган миқдорда ундирилишини таъминласин:

белгиланган туманларда жойлашган давлат мактабгача таълим

муассасаларида болалар таъминоти учун амалдаги ота-оналар тўлови микдори икки баравар пасайтирилганлиги бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказсин:

юкорида кайд этилган туманларда жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларининг бўш гурухларини белгиланган меъёрлар асосида тўлдириш оркали болалар камровини ошириш чораларини кўрсин:

ушбу туманларда ота-оналар тўлови микдори пасайтирилиши муносабати билан давлат бюджетидан кўшимча талаб этиладиган маблағлар микдорини ҳисоблаб, тегишли молия органлари билан биргаликда маблағ ажратиш масаласини ҳал этсин.

4. Бошкарманинг жисмоний ва юридик шахслари билан ишлаш бўйича масъул ходими (Ш.Кенжаев) мазкур буйрукни ўрнатилган тартибда жойларга етказсин.

5. Мазкур буйрукнинг бажарилишини назорат қилиш бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Бекмиратов зиммасига юклансин.

Бошқарма бошлиғи



Н.Садинова

Киритилди:

Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бош иқтисодчи

Ж.Бутаев

Келишилди:

Бошлик ўринбосари

А.Бекмиратов

Бош юрисконсулт

Ш.Арипов